

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
«НЕФТ ВА ГАЗ» ФАКУЛЬТЕТИ
«ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ
ВА БОШҚАРИШ» КАФЕДРАСИ

Рўзиев Дилшод Рахмонқуловичнинг
«Технологик бошқариш объектларини адаптив
идентификациялаш алгоритмлари» мавзули
5311000 –Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни
автоматлаштириш ва бошқариш (ишлаб чиқариш) йўналиши
бўйича бакалавр даражасини олиш учун
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Кафедра мудири

Хусанов С.Н.

Раҳбар

т.ф.д., проф. Игамбердиев Х.З.

Тошкент – 2016 й.

МУНДАРИЖА

бет.

КИРИШ.....	
I БОБ. БОШҚАРИШ ОБЪЕКТИНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА МАСАЛАЛАРИ	
1.1. Идентификациялаш назариясининг асосий тушунчалари	
1.2. Бошқариш объектини идентификациялашнинг асосий масалалари	
II БОБ. ТЕХНОЛОГИК БОШҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ АДАПТИВ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ	
2.1. Фазо ҳолатларида математик моделлар	
2.2. Вақт қаторлари асосидаги математик моделлар	
2.3. Энг кичик квадратлар усули асосида идентификациялаш алгоритмлари	
2.4. Ёрдамчи ўзгарувчилар усули асосида идентификациялаш алгоритмлари	
2.5. Максимал ўхшатишлик усули асосида идентификациялаш алгоритмлари	
2.6. Стохастик аппроксимациялаш усули асосида идентификациялаш алгоритмлари	
2.7. Стохастик аппроксимациялаш усули асосида идентификациялаш алгоритмлари	
2.8. Ҳароратни адаптив ростлаш системаси	
2.8.1. Углеводород конденсати ҳароратини автоматик ростлаш тизими	
2.8.2. Углеводородли конденсат ҳароратини адаптив автоматик ростлаш тизими.	
III БОБ. ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ	
IV БОБ. ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ ҲИСОБ	
ХУЛОСА	
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	

К И Р И Ш

Динамик объектлар ва системаларни идентификациялаш ҳозирги вақтда замонавий автоматик бошқариш назариясининг жадал ишланаётган қисмларидан бири ҳисобланади [3,4]. Бу йўналишда эришилган, маълум натижалар замонавий идентификациялаш назариясининг ядросини ташкил қилади. Бироқ, идентификациялаш усуллари кўплаб тадбиқ этилганига қарамай, мураккаб реал динамик объектлар ва системаларни баён этишда бу усуллардан самарали фойдаланиш муаммоси сақланиб турибди. Бу идентификациялаш муаммосининг ўзига хос хусусияти – тескари масалалар классига тааллуқлиги билан боғлиқ.

Тескари масалалар мавҳумроқ (ноаниқроқ) бўлади, натижада дастлабки маълумотларда озгина хатолик (ноаниқлик) бўлса идентификациялашнинг катор усуллари ва алгоритмлари беқарор бўлиб қолади. Масаланинг мавҳумлиги натижасида ечимлар берилган аниқлик чегараларида бир эмас, бир нечта бўлиши мумкин. Бу, ўз навбатида, объектда тадқиқ этилаётган ҳодисаларнинг физик моҳиятини аниқлашни қийинлаштиради, оқибатда, улардан аппаратларни оптимал конструкциялаш, уларнинг шу режимини оптималлаштириш, уларни оптимал бошқаришни амалда иложи бўлмай қолади. Бундай вазиятларда баҳолашнинг алгоритмлари ва усулларини синтез қилиш масаласига, алгоритмларнинг структурасини аниқлаш ва уларнинг параметрларини ҳисоблаш мунтазамлик тамойили асосида амалга ошириладиган тескари масалалар назарияси нуқтаи назаридан қараш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндошув нафақат модель ва объектнинг чиқишлари ёки ҳолатларини яқинлигини, шунингдек баҳоларнинг ҳақиқий қийматга кучли яқинлашувини таъминлаш имконини беради ва бу синтез қилинаётган бошқарув системасининг ҳеч бўлмаганда, факторларни бошланғич синтез қилишда эътиборга олинмаган кичик таъсирларда ҳам иш қобилиятини сақлаш имконини беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, технологик бошқариш объектларини адаптив идентификациялаш алгоритмлари ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

I. БОБ. БОШҚАРИШ ОБЪЕКТИНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА МАСАЛАЛАРИ

1.1. Идентификациялаш назариясининг асосий тушунчалари


Бугунги кунда иқтисод ва табиат технологик жараёнлар объекти математик моделларни яратилиши билан боғлиқ бўлган муаммолар илм-фан ва техник моделлаштиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, шакилланмоқда. Шу сабабдан, объектларнинг математик моделлари ушбу объектларни бошқариш учун эксплуатация жараёнида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Объектлар ва тизимлар бу моддий қисмлар комбинациялашуви бўлиб, улар доимий бир-бири ҳамда табиат билан ўзаро муносабатда бўлади. Қуйидаги методлар ёрдамида объектнинг математик модели қурилади: аналитик, тажрибавий ва тажрибавий-аналитик [5,6].

Аналитик метод физика, механика, кимё ва бошқа фанлар қонунларига таяниб объектни математик тавсифини ўз ичига олади. Мазкур ёндашув, агар қўрилаётган объект содда тузилган бўлиб яхши ўрганилса ижобий натижаларга олиб келади. Агарда, объект мукамал ўрганилмаса ёки математик моделни аналитик тавсифи жуда мураккаб бўлса, технологик маълумотлар статис ишлов бериш йўли билан бирлашган тажрибавий методларни қўллашни деярли имкони йўқ. Тажрибага асосланмаган моделни тажрибавий аналитик усулда аналитик қабул қилганда у аҳамиятли тажрибаларда аниқ белгилаб қўйилади.

Объектнинг атроф-муҳит ичида умумий тарзда x ва y билан белгиланган стрелкаларни объектга йўналтирилиб 1.1–расмда тасвирланган. Объект ўз навбатида, атроф-муҳитга таъсир қилади. Бу таъсир y билан белгиланган ва объектга йўналтирилган стрелкада намоён бўлади. y нинг қиймати чиқиш таъсири ёки объектни чиқиш катталиги дейилади. Объектга

Ўртача таъсир қилишни янада кенгроқ кўриб чиқамиз. Ҳар томондан ўраб олган оламда шу каби таъсирларнинг жамламаси объект вазиятлари хилма-хиллиги, атроф-муҳит таъсири табиатига кўра икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ, қўшимча тарзда ўзгарадиган беқарор вазиятларни, акс еттирувчи натижаларни ўзичига олади. Бу эса шуни кўрсатадики, сигналлар натижаларга мутаносиб ва сигналларнинг умумийси мувофиқ тарзда ҳолат хилма-хилликларига мутаносибдир.



1.1 – расм

Бу таъсирлар “кирувчи” ёки “ташқи” деб номланган. Кейинчалик мазкур таъсир “кирувчи” деб аталади. Кириш таъсирлари (u сигналларнинг бошқаришда фойдали бўлиши ва (f таъсирларни кўзғалишига) тўсқинлик қилиши мумкин. Атроф муҳит таъсирларининг иккинчи гуруҳи одатда қўшимча бўлмаган ҳолда объектнинг ҳолат хилма-хиллигини бевосита ўзгартиради. Бу таъсирлар объектнинг чиқиш хилма хиллиги кириш ҳаракатларини ўзгартириш қоидасига алоқадор бўладиган оператор объекти (тизими) A ўзгаришни бошқаради. Иккинчи гуруҳ операторлик ва оператор-таъсирлар деб номланади. Масалан, электр моторига ҳарорат ортиши ундаги қувват камайишига ва ҳаттоки унга салбий таъсир кўрсатишига олиб келади. Одатда чиқиш ва кириш ҳаракатларини аниқ функциялар (кўпинча вақтнинг функцияси) кўринишида тасвирланади. Чиқиш ва кириш функциялари ўртасидаги математик мутаносиблик қуйидаги ифода кўринишида ёзилиши мумкин:

$$y(t) = A(f)u(t) \quad (1.1)$$

БУ ерда: $A(f)$ – (оператор харакатида) боғлиқлик силжиши;

$y(t)$ – объектнинг чиқиш координаталари вектори;

$u(t)$ – бошқарув вектори (кириш);

Математик объектнинг оператори, унинг характеристикаси ҳисобланади яъни объектнинг математик модели ҳисобланади. Оператор қуйидаги турларга бўлинади [5,6]:

- дифференцияланган оператор p ;

$$y(t) = pu(t) = \frac{du(t)}{dt} = x'(t); \quad (1.2)$$

- дифференциал оператор $D(y)$; (1.3)

$$D(y) = \frac{d^n y}{dt^n} + \frac{d^{n-1} y}{dt^{n-1}} + \dots + \frac{dy}{dt} + y, \quad (1.3)$$

- доимий, чизикли, дифференциал, n - тартибли тенглама оператори $L(y)$

$$L(y) = a_n \frac{d^n y}{dt^n} + a_{n-1} \frac{d^{n-1} y}{dt^{n-1}} + \dots + a_1 \frac{dy}{dt} + a_0 y, \quad (1.4)$$

- чизикли интеграл оператор

$$y(t) = \int_0^t \omega(t-\tau)u(\tau)d\tau, \quad (1.5)$$

бу ерда: $\omega(t)$ – объектнинг вазн функцияси;

Математик операторлар тегишли фазоларда аниқланади яъни элементларнинг энг кўп ўзгариши содир бўлади. Ушбу фазоларга мисол тариқасида давомли функцияларни келтириш мумкин. Давомли функциялар n - даражали ($n>0$) квадрат интеграл функцияларга узлуксиз ўсиб боради. Кириш ва чиқиш объектларининг кўп қисми ва тизимлар қуйидаги аниқ ўлчовли фазолар кўринишида таъкидланиши мумкин.

Оператор структура ва кўрсаткичлар билан расмий тарзда тавсифланади. Демак дифференциал оператор структураси (1.3) унинг тартиби н орқали аниқланади. Дифференциал тенглама оператори учун унинг структураси n – тартиб билан берилган ва параметрлар қийматлари

аниқланади $a_i(t)$, $[i = 0, 1, \dots, n]$. Шу тарзда, аниқланишини умумий ҳолда кириш ҳаракатларини чиқишга ўзгартирувчи объектнинг аниқланиш масаласи сифатида кўриш мумкин.

1.2. Бошқариш объектини идентификациялашнинг асосий масалалари

Идентификация масалаларининг бир нечта ифодаларини кўриб чиқайлик. Юқорида таъкидлаб ўтилгандек, умумий ҳолда асосий масала – кириш ҳаракатларини чиқишга ўзгартирувчи объектнинг аниқланишини топиш ҳисобланади [7]. Ушбу боғлиқликда, кўрсаткичли ва структуравий идентификация масалалари танлаб олинади.

Структуравий идентификация орқали, объект операторининг кўриниши ва тузилиши аниқланади ёки бошқача қилиб айтганда объектнинг математик модели шакли аниқланади.

Объектнинг математик модели аниқлангандан кейин, кўрсаткичли идентификациянинг математик моделини сонли кўрсаткичлари аниқлаш учун топилади.

Структуравий идентификация масаласи бўлиб математик модел шаклидаги ҳақиқий бошқариш объектни кўрсатиш ҳисобланади.

Иқтисод ва молия, саноат ҳамда ижтимоий соҳа каби кенг тизимлар ва объектларни тасвирлашда тўплам назарияси ва абстракт алгебрага таянган ҳолда семиотик (белгилити) ва лингвистик (тил) моделларидан фойдаланилади.


Техника тизимларининг математик моделларида дифференциал тенгламалар оддий ва қисман келтириб чиқарилган ҳолда ишлатилади. Бошқариш масалалари ечими моделлар фазовий ҳолатда ва структуравий моделлар оддий келтирилган дифференциал ифода кўринишида

тасвирланганда муносиб баҳоланади. Кўрсаткичли идентификация масалалари қуйидагича ифодаланиши мумкин [5]. Ҳолат тенгламасида келтириб ўтилган объектнинг тўлиқ назорати билан танишамиз.

$$\begin{aligned}\frac{dx}{dt} &= Ax + Bu; \\ y &= Cx; \\ x(t_0) &= x(0),\end{aligned}\tag{1.6}$$

бу ерда: B – n -ўлчамли устун вектори; C – n - ўлчамли қатор вектори; A – $n \times n$ -ўлчамли квадрат матрица;

Ушбу векторларнинг A , B ва C элементлари номалум қийматлардир. Идентификациянинг мақсади ушбу қийматларни (рақамларни) аниқлашдан иборат. Кейинчалик идентификация орқали тенглама моделларини умумлашган объектнинг структуравий чизмаси ёрдамида олдиндан маълум ва аниқланиши таклиф қилинаётган объект моделларини кўрсаткичларини топиш тушунилади яъни кўрсаткичли идентификация масалалари инobatга олинади.(1.2 - расм)



1.2 – расм.

Чизмада қуйидагилар қабул қилинган:

u ва y –кузатиладиган кириш ва чиқиш сигналлари;

x – кузатилмайдиган (мавҳум) ўзгарувчи бўлиб, билвосита u ва y сигналлар орқали баҳоланади ва A , B ва H тизим операторларидаги ўзгариш натижаси ҳисобланади;

e_1 ва e_2 – кузатилмайдиган шовқин сигналлари (товуш қўшилишидан ҳосил бўлган сигналлар каби тасодифий жараён);

f ва ν – кузатилмайдиган шовқин сигналлар (тасодифий сигналларга таъсири бўлиб, бази ҳолларда детерминантнинг ташкил этувчиларини ўз ичига олади).

A, B, C, E, G, H – операторлар, шакли аниқ аммо номаълум кўрсаткичлар.

Идентификация масалаларининг асосий ифодалари қуйидагилар:


- Объектнинг таснифланиши ва идентификацияси (u ва y нинг қийматларидан A, B ва C операторлар аниқланади);
- Алоҳида тавсифлар ёки сигналлар таснифи ёрдамида ҳосил қилинадиган тахминий сигналлар (f ва ν нинг қийматларидан E ёки G, H операторлар аниқланади);
- Мавҳум ўзгарувчиларни кузатиш ёки ўзгарувчан ҳолатни аниқлаш (U ва y кузатилади, A, B, C, E, G, H малум операторлардан x аниқланади).

Хулоса қилиб айтганда, юқорида идентификация масалалари параметрик (кўрсаткичли) ва нопараметрик (кўрсаткичсиз) идентификацияларни амалга оширишдан иборат. Кўрсаткичли идентификация методларидан фойдаланилганда объект тенгламаси ёки ўтказадиган функция коэффициентлари осонлик билан топилади. Иккинчи гуруҳ методлар объектнинг вақт ёки частотата сифларини аниқлашда шунингдек, объектлар содир қилган тахминий жараёнлар тавсифини топишда қўлланилади. Қўлга киритилган тавсифларга қараганда, объект тенгламаси ёки кўчиш функцияси аниқланади. Бугунги кунда ушбу кўрсаткичли идентификация методлар кенг қўлланилмоқда.

II. БОБ. ТЕХНОЛОГИК БОШҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ АДАПТИВ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ

2.1. Фазо ҳолатларида математик моделлар

Математик моделлар (образ) – реал объектнинг ёки мақсадларнинг абстракт аксидир. Модели тузилаётган ёки фойдаланилаётган объектлар ёки мақсадларининг турига қараб шаклан ифодалаш ҳам турлича бўлади [8-11]. Объектларни моделлашда структуравий схемалар, оператор тенгламалар, алгебраик тенгламалар, дифференциал, интеграл ва интеграл дифференциал тенгламаларидан Марков занжирларидан, узатиш функциялари частотали тавсифлар учун функциялари графлар ва шу қабилардан фойдаланилади. Бу усулларнинг ҳаммаси объектнинг кириш ва чиқиш сигналларини бир бирига боғлайди. Кириш ва чиқиш жойларининг сонлари бўйича объектлар ва уларнинг моделлари бир ўлчамли ва кўп ўлчамли турларга бўлинади. Бир ўлчамли объектларнинг кириш ва чиқиш жойлари биттадан кўп ўлчамли объектларда бир нечатадан бўлади. Уларнинг сони эса тенг бўлиши шарт эмас. Бу икки хил объектларнинг блок-схемалари 2.1,а ва 2.1,б - расмларда кўрсатилган.



2.1 - расм.

Энг тўлиқ идентификацияланадиган объект фазо ҳолатлари тушинчалари орқали баён этилади. Объектнинг ҳолати деганда, унинг муайян вақт ондаги ҳолатини белгилайдиган катталиклар x_i мажмуаси тушинилади [8-12].

Динамик объектларнинг энг кўп қўлланиладиган модели – дифференциал тенгламадир. Жамланган параметрлари оддий дифференциал тенгламалар билан ифодаландиган объектларни ҳам кўриб чиқамиз. Объектнинг моделини ифодаловчи дифференциал системаларнинг тартиби кириш ва чиқишлар сонига бевосита боғлиқ эмас, балки кириш ва чиқиш сигналларини ўзгартирувчи операторларга боғлиқ.

Физик жараёнлари ва вақт давомида узликсиз кечадиган динамик системалар учун объект ҳолатини ифодаловчи ўзгарувчи параметрнинг ўзгариши тезлигини вектор кўринишида бериш мумкин

$$\frac{dx}{dt} = \left(\frac{dx_1}{dt}, \frac{dx_2}{dt}, \frac{dx_n}{dt} \right)^T, \quad (2.1)$$

бу ерда $\frac{dx_i}{dt}, i = \overline{1, n}$ – кўп ўлчамли ҳолат ўзгарувчиси компонентларнинг ўзгариш тезликлари.

Бу тезликлар ўз навбатида ҳолат ўзгарувчиси – X нинг жорий қийматлари, объектга бошқарувчи u ва қўзғатувчи – f таъсирлар орқали аниқланади

$$\frac{dx_i}{dt} = g_i(x, u, f, t) x_i(t_0) = x_{i0}, i = \overline{1, n}, \quad (2.2)$$

бу ерда $g = (g_1, \dots, g_n)^T$ – вектор функция; $x_{10}, x_{20}, \dots, x_{n0}$ – дастлабки шартлар; «Т» – транспонирлаш белгиси.

Агар $g(\cdot)$ нозизиқли функция бўлса (2.2) тенгламани ечиш мураккаблашади, чунки кўпинча иккидан юқори даражали дифференциал тенгламалар системасини интеграллашга келтирилади. Интеграллаш усуллари чизиқли дифференциал системалар учунгина яқин ишлаб

чиқилганлиги сабабли тенгламалар системаси билан ишлашдан олдин, $g(\cdot)$ нуқтани ишчи нуқтага яқин ҳолатлар учун чизиклантириш зарур. Объектнинг барқарор ишлаш режими шу ҳолатларда олинган бўлиши керак.

Чизиклантирилган функция учун (2.2) кўринишидаги дифференциал тенгламаларга тегишли $g(\cdot)$ нуқтани муҳитнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги вектор кўринишида ёзиш мумкин:

$$\frac{dx(t)}{dt} = A(t)x(t) + B(t)u(t) + E(t)e(t), \quad (2.3)$$

бунда $A(t)$; $B(t)$; $E(t)$ – элементлари умумий ҳолда вақт функцияси бўлган ўзгарувчи матрицалар.

(2.3) тенгламанинг элементлари – x_i фазовий координаталар ёки объект ҳолатининг ўзгарувчи (параметр)лари дейилади. Улар ҳолат векторлари бошқарувчи ва қўзғатувчи ўзгарувчиларни (u ва f) бошқариш ва қўзғатиш векторларини ҳосил қилади. Бу векторлар кўплиги ҳолатлар фазосини – X , ҳолат бошқаришини – U ва ҳолат қўзғатувчиларини – F ташкил этади.

Аксарият физик объектларда ростланадиган, ўлчанадиган ва ахборот каналлари бўйлаб ўтказиладиган нарса ҳолат векторининг қийматлари эмас, бошқа қийматлар – фазовий координаталар векторининг ташкил этувчиларининг функцияларидир. Булар бошқарувчи ёки чиқиш катталигидир. Ўлчанадиган катталикларни $y_1(t), y_2(t), \dots, y_s(t)$ орқали ифодалаймиз, бунда $s \leq n$. Шунда объектнинг ростланадиган ва фазовий координаталарини бир бирига боғлайдиган ўлчашлар функцияси қуйидагини кўринишни олади

$$y(t) = \Phi[x(t)]. \quad (2.4)$$

Шундай ифода чизикли объектлар учун қуйидагича ёзилади:

$$y(t) = C(t)x(t). \quad (2.5)$$

$C(t)$ матрицаси – ўлчашлар матрицаси дейилади ва ўлчаш жараёнларида ҳолатлар векторининг қийматлари қандай ўзгаришини кўрсатади [9,12-14]. (2.4), (2.5) ифодалар акс эттирган ўлчашларида чиқиш

сигналларининг вектори (ёки) оддийгина чиқиш вектори $y(t)$ вектордан иборат бўлади. Такидлаш лозимки кириш ва чиқиш векторлари орасида принципиал фарқлар бор. Агар кириш ва чиқиш векторларининг ҳамма элементлари муайян физик катталиклар бўлса, ҳолат векторининг элементлари физик табиати мавҳум бўлган абстракт ўзгарувчилар бўлиши мумкин.

Чизиқли динамик объектнинг вектор – матрица кўринишида ёзилган модели ўлчашлар тенгламасини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича бўлади:

$$\begin{aligned} \frac{dx}{dt} A_{n,n}(t)x(t) + B_{n,m}(t)u(t) \\ y(t) = C_{s,n}(t)x(t) \end{aligned} \quad (2.6)$$


Агар $A(t)$, $B(t)$ ва $C(t)$ матрицалар вақтга боғлиқ бўлмаса, объект – коэффициентлари ўзгармас объект ёки стационар объект дейилади, акс ҳолда ностационар объект дейилади.

Ўлчашларда хатоликлар бўлса, чиқиш (ростланувчи) сигналлар чизиқлаштирилган матрицали тенглама билан берилади:

$$y(t) = C(t)x(t) + v(t), \quad (2.7)$$

бу ерда $y(t)$ ростланадиган (ўлчанадиган) катталиклар вектори; $C(t)$ – ўлчашлар векторининг ҳолатлар вектори билан боғланишини ифодаловчи вектор; $v(t)$ – ўлчаш хатолари (ҳалали) вектори.

(2.6) ва (2.7) тенгламаларни амалга оширадиган чизиқли узликсиз системанинг структураси 2.2 – расмда берилган.



2.2 - расм.

Бу структура объектнинг кириш, чиқиш ва ички ёки фазовий координаталарнинг фазовий ҳолатларида кўрилган математик моделига тўғри келади.

2.2. Вақт қаторлари асосидаги математик моделлар

Фан ва техниканинг турли соҳаларида учрайдиган статистик системаларни таҳлил қилишнинг дастлабки маълумоти сифатида системанинг ўзида юзага келадиган тасодиғий жараёнлардан фойдаланилади. Тасодиғий жараёнларнинг графиклари ёки осциллограммалар кўринишида содир бўлиши вақт қатори кўринишида намоён бўлади ва ишланади. Вақт қатори дискрет ва бир биридан тенг узоқликдаги вақт онларида қайд этилган тасодиғий жараёнга тегишли ординаталарни ўзида сақлайди. Демак, дастлабки узликсиз системанинг хусусиятлари ҳақида системада шаклландиган сигналлар (вақт қаторлари)ни қайта ишлаш натижаларига қараб хулоса чиқарилади. Шунинг учун ҳам авторегрессия ва сирпанувчи ўртача қийматни рақамнинг параметрик стохастик моделлари (АРСС - моделлар) кенг кўламда қўлланилади. Бу моделлар анча оддий бўлиб бир нечтагина параметрларга эга, уларни кузатув

билан баҳолаш зарур. АРСС – моделлардан вақт қаторларини ўрганиш учун ҳам бу қаторларнинг статистик тавфсияларини аниқлашда ҳам фойдаланилади. Улардан бошқарувда, иқтисодиётда, геофизикада, товуш сигналларини қайта ишлашда ҳам фойдаланилади [3,6,9-14].

Қуйидаги қатор (p, q) тартибли жараён учун АРСС дейилади:

$$v(k) = \sum_{i=1}^p c_i v(k-i) + \sum_{j=1}^q d_j e(k-j) + e(k), \quad (2.8)$$

бу ерда $v(k)$ – вақт қаторининг “ k ” вақт онидаги қиймати; $e(k)$ – мустақил бир хил тақсимланган тасодифий катталикларнинг кетма-кетлиги, математик кутилиши – нол, бирлик дисперсияли (“оқ шовқин”); $\{c_j, j=1, p\}$ – авторегрессия параметрлари; $\{d_j, j=1, q\}$ – сирпанувчи ўрта қийматли параметрлари.

АРСС (p, q) жараёнларнинг хусусий ҳолатлари $AP(p)$ жараёни – p тартибли авторегрессиядир:

$$v(k) = \sum_{i=1}^p c_i v(k-i) + e(k), \quad (2.9)$$

$CC(q)$ жараён ҳам $CC(q)$ сингари q тартибли сирпанувчи ўрта қийматга тегишли:

$$v(k) = \sum_{j=1}^q d_j e(k-j) + e(k). \quad (2.10)$$

(2.8) ва (2.9) тенгламалар рекурсив филтрларни ифодалайди, (2.10) эса – трансверсал филтр [3,8]. Шундай қилиб, АРСС (p, q) , $AP(p)$ ва $CC(q)$ жараёнларини тегишли чизиқли филтрли киришдаги “оқ шовқин” жараён $\{e(tk)\}$ га жавоб сифатида қараш мумкин.

Демак, бу жараёнларнинг статционарлик шартлари тегишли филтрларнинг барқарорлик шартларидир

$$q^p - c_1 q^{p-1} - \dots - c_p = 0$$

тенгламанинг ҳамма илдизлари бирлик радиусли доира ичида бўлса, рекурсив филтр барқарор бўлади [4,12]. q тартибли трансверсиал филтр параметрларига чеклов бўлмаса ҳам барқарордир.

Агар статистик система сифатида бир ўлчовли бошқарув органи кўрилатган бўлса, объектнинг АРСС модели қуйидаги кўринишда бўлади

$$y(k) = \sum_{i=1}^p a_i y(k-i) + \sum_{j=1}^q b_j u(k-j) + e(k), \quad (2.11)$$

бу ерда $y(k)$, $u(k)$ – объектнинг чиқиш координаталари.

(2.8)га ўхшаб АР -модел бундай ёзилади

$$y(k) = \sum_{i=1}^p a_i y(k-i) + bu(k) + e(k), \quad (2.12)$$

СС -модел

$$y(k) = \sum_{j=1}^q b_j u(k-j) + e(k). \quad (2.13)$$

Уравнения (2.11) - (2.13) являются линейными разностными уравнениями объекта управления.

z -алмаштиришдан фойдаланиб уларни тимсолий шаклда ёзиш мумкин.

АРСС -модел

$$A(z)y(z) = B(z)u(z) + e(z). \quad (2.14)$$

АР - модел

$$A(z)y(z) = bu(z) + e(z). \quad (2.15)$$

СС - модел

$$y(z) = B(z)u(z) + e(z), \quad (2.16)$$

бу ерда $y(z)$, $u(z)$ ва $e(z)$ тегишли сигналларнинг z тасвирлари;

$$A(z) = 1 - \sum_{i=1}^n a_i z^{-i}, \quad B(z) = \sum_{j=0}^m b_j z^{-j} - \text{тенгламанинг коэффицентлари.}$$


Объектнинг дискрет узатиш функциясини киритиб киришдаги сигналнинг z -тасвирини чиқишдаги сигнални нисбати сифатида датлабки шартлар нол бўлганда бундай ёзиш мумкин

$$W(z) = \frac{y(z)}{u(z)} = \frac{b_0 + b_1 z^{-1} + \dots + b_m z^{-m}}{1 + a_1 z^{-1} + a_2 z^{-2} + \dots + a_n z^{-n}}. \quad (2.17)$$

Объектда дискретлаш даврлари сонининг бутун қисмига тенг кечикиш мавжуд бўлса, дискретли узатиш функциясига $\tau = d$ ифодани z^{-d} га кўпайтириш керак:

$$W_d(z) = W(z)z^{-d} = \frac{B(z)}{A(z)} z^{-d}. \quad (2.18)$$

Бошқариш объектига таъсир этадиган ҳалалларни чиқиш жойига келтирилиб, бошқариш объектининг структуравий схемасини қуйидагича чиқиш мумкин



2.3 - расм.

Шовқин (ҳалал) учун узатиш функциясини (ўхшатиб)

$$W_f(z) = \frac{f(z)}{e(z)} = \frac{1 + d_1 z^{-1} + \dots + d_s z^{-s}}{1 + c_1 z^{-1} + \dots + c_r z^{-r}} = \frac{D(z)}{C(z)}. \quad (2.19)$$

(2.18)-(2.19) ларни бирлаштириб ўлчашда “шовқин” бор объект моделини ҳосил қиламиз:

$$y(z) \frac{B(z)}{A(z)} z^{-d} u(z) + \frac{D(z)}{C(z)} e(z). \quad (2.20)$$

“шовқин” моделининг турига қараб (бунда (2.20) моделнинг баҳолари бир-бирига яқинлиги кафолатланади) хусусий кўринишдаги моделлардан фойдаланилади:

- МП- модел максимал ҳаққоний:

$$y(z) = \frac{B(z)}{A(z)} z^{-d} u(z) + \frac{D(z)}{A(z)} e(z). \quad (2.21)$$

- модел (энг кичик квадратлар модели):

$$y(z) = \frac{B(z)}{A(z)} z^{-d} u(z) + \frac{1}{A(z)} e(z). \quad (2.22)$$

Узлуксиз моделдан узлуклилисига ўтиш «z -оьзгариш» ёрдамида берилади.

$$W(z) = \frac{z-1}{z} Z \left\{ \frac{W(p)}{p} \right\}. \quad (2.23)$$

Шунда

$$W(p) = pZ^{-1} \left\{ \frac{z}{z-1} W(z) \right\}. \quad (2.24)$$

Кўпайтувчи $\frac{z-1}{z}$ дискрет системада нол тартибли экспольтор мвжудлигини кўрсатади. У квантлаш моментлаш орасида, дискрет элементнинг чиқиш жойида сигнални қайт этади [12,14].

Бу ҳолда, агар бошқарув объекти кўп ўлчамли бўлса ва берилган ҳолатлар маконида (2.6) математик моделига эга бўлса, бу модел қуйидаги дескрет модел кўринишга келтирилади

$$\begin{aligned} x(k+1) &= A_d x(k) + B_d u(k) \\ y(k) &= Cx(k) \end{aligned} \quad (2.25)$$

бу ерда дискрет системанинг параметрлари (матрицалари) дастлабки узлуксиз параметрлар (матрицалар) билан қуйидаги ифодалар ёрдамида боғланади

$$\begin{aligned} A_d &= e^{Ah} \\ B_d &= \int_0^h e^{As} B ds, \end{aligned} \quad (2.26)$$

бунда h -квантлаш оралиги.

2.3. Энг кичик квадратлар усули асосида идентификациялаш алгоритмлари

Объектлар моделларини параметрик идентификациялаш объект модели коэффициентларининг қийматини ўлчанадиган бошқарилувчи y ва бошқарувчи u сигналлар орқали дарров топиш имкони беради. Бунда, объект моделининг структураси ва тартиби маълум бўган деб фараз қилинади. Ўлчанадиган y ва u вақт қатори кўринишида ёзилади, шунинг учун идентификациялаш натижасида объектга тегишли АРСС-моделнинг параметрлари ёки унга тегишли дискрет узатиш функциясининг параметрлари баҳоланади. АРСС-моделнинг коэффициентларини ва структурасини билган ҳолда узлуксиз структураланган моделларга ва ҳолатлар маконидаги моделларга ўтиш мумкин.

Параметрик идентификациялаш масалаларида ўлчашларида “шовқин” бўладиган объект моделидан фойдаланилади, ўлчашлар эса (2.20)-(2.22) узатиш функциялари ва структура орқали берилади [4,10]. Моделларнинг тартиби берилган деб ҳисобланганда стохастик системани параметрик идентификациялаш масаласи A, B, C ва D моделининг полиномлари коэффициентлари баҳоларини кириш $u(t)$ ва чиқиш $y(t)$ даги ўлчаш натижаларига қараб аниқлашдан иборат дейиш мумкин. Олинadиган баҳоларнинг хусусиятлари (асосланганлик, сурилмаганлилик ва самаралилик) ташқи кўзғовчиларнинг тавсифларига ва идентификациялаш усулага боғлиқ. Бунда ташқи кўзғовчиларнинг тақсимланиш қонунияти жиддий аҳамиятга эга.

Параметрик идентификациялаш усуллариининг муҳим афзаллиги рекуррент алгоритмлардан фойдаланиш имкониятидан иборат. Бу алгоритмлар объект номинал режимларда ишлаганда реал вақт миқёсида жорий идентификация ўтказиш имконини беради. Бундай афзалликлар бошқариш ва автоматлаштириш масалаларида параметрик

идентификациялаш усулларида кенг фойдаланиш имконларини кўрсатади. Бу усуллар: эн кичик квадратлар усули, максимал ҳаққонийлик усули, стохастик аппроксимациялаш усули.

АРСС - модел тенгламасига $y(k)$ ва $u(k)$ сигналлари қийматини шунингдек объектнинг $(k-1)$ тактдан кейин олинган параметрлар баҳосини кўрамиз [3, 11]:

$$y(k) + a_1 y(k-1) + \dots + a_n y(k-n) - b_1 u(k-d-1) - \dots - b_m u(k-d-m) = e(k). \quad (2.27)$$

Бу тенгламанинг ўнг қисмига нолни қўйиш мумкин эди, лекин ҳозир хатолик катталиги $e(k)$ турибди. У чиқишдаги ўлчашларда хатолик мавжудликлгини ва модел параметрлари баҳоларидаги ноаниқликлар a_i ва b_i ни акс эттиради. $y(k)$ нинг қийматини $y(k/k-1)$ деб ифодалаймиз $(k-1)$ вақт ониди k онини учун башорат қилинган). Шунда

$$y(k/k-1) = +a_1 y(k-1) - \dots - a_n y(k-n) + b_1 u(k-d-1) + \dots + b_m u(k-d-m). \quad (2.28)$$

ёки

$$y(k/k-1) = \psi^T(k) \hat{\theta}(k-1). \quad (2.29)$$

бу ерда

$$\hat{\theta}(k-1) = [a_1, \dots, a_n, \dots, b_1, \dots, b_m] \text{ баҳолар вектори,}$$

$$\psi^T(k) = [-y(k-1), \dots, -y(k-n), u(k-d-1), \dots, u(k-d-m)] \text{ - маълумотлар вектори,}$$

d - дискрет кечикиш катталиги.

$e(k)$ тенгламасининг хатолиги қуйидаги кўринишида:

$$e(k) = y(k) - y(k/k-1). \quad (2.30)$$

бу ерда $y(k)$ -янги ўлчов; $y(k/k-1)$ ўлчашнинг башорат қилинган қиймати.

Фараз қилайлик $k = 1, 2, \dots, n+d+N$ оралиқда бажарилган АРСС-моделнинг параметрик (n, n) . Шундай (2.29) ва (2.30)лар асосида қуйидаги вектор-матрицали тенгламани ҳосил қиламиз

$$y(k) = \psi^T(k) \hat{\theta}(k-1) + e(k). \quad (2.31)$$

бу ерда

$$y^T(k) = [y(n+d), y(n+d+1), \dots, y(n+d+N)] \text{ - чиқиш вектори,}$$

$$\psi(k) = \begin{bmatrix} -y(n+d-1) & \dots & -y(d) & u(n-1) & \dots & u(0) \\ -y(n+d) & \dots & -y(d+1) & u(n) & \dots & u(1) \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ -y(m+d+N-1) & \dots & -y(n+d) & u(n+N-1) & \dots & u(N) \end{bmatrix} - \text{ маълумотлар}$$

матритсаси,

$$e^T(m+d+N) = [e(n+d), e(n+d+1), \dots, e(n+d+N)] - \text{хатолар вектори.}$$

Йўқотишлар функцияси энг кичик квадратлар мезони бўйича хатолар квадрати сифатида аниқланади ва вектор кўриниши қуйидагича бўлади

$$J = e^T(n+d+N)e(n+d+N) = \sum_{k=n+d}^{n+d+N} e^2(k). \quad (2.32)$$

Унинг минимум қуйидагича топилади

$$\left. \frac{dJ}{d\theta} \right|_{\theta=\hat{\theta}} = 0. \quad (2.33)$$

$N \geq 2n$ деб фараз қилиб, ифодалаймиз

$$P(n+d+N) = [\psi^T(n+d+N), \psi(n+d+N)]^{-1}. \quad (2.34)$$

шунда йўқотишлар функцияси (2.32)ни минимум қилувчи баҳо қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\hat{\theta}(n+d+N) = P(n+d+N)\psi^T(n+d+N)y(n+d+N). \quad (2.35)$$

(2.35) алгоритм энг кичик квадратлар усули бўйича идентификациялашнинг рекуррентли алгоритми бўлади, чунки $\hat{\theta}(n+d+N)$ моделнинг параметрлари баҳоларини ҳисоблаб топиш, объектнинг кириш ва чиқишига оид ҳамма массив $\psi(n+d+N)$ шаклланиб бўлгандан кейингина бажарилади.

Энг кичик квадратлар усулининг рекуррентли алгоритмини янги $\hat{\theta}(k+1)$ ва эски $\hat{\theta}(k)$ баҳоларини ёзиб чиқиб, бирдан иккинчисини айиргандан кейин ҳосил бўлади:

$$\hat{\theta}(k+1) = \hat{\theta}(k) + \gamma(k)[y(k+1) - \psi^T(k+1)\hat{\theta}(k)]. \quad (2.36)$$

Коррекция вектори қуйидаги ифодадан топилади:

$$\gamma(k) = \frac{P(k)\psi(k+1)}{\psi^T(k+1)P(k)\psi(k+1) + 1}. \quad (2.37)$$

$P(k+1)$ вектор кейинги босқичда (кадам) қуйидагича ҳисобланади:

$$P(k+1) = [I - \gamma(k)\psi^T(k+1)]P(k). \quad (2.38)$$

Энг кичик квадратлар усулининг рекуррентли алгоритми қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади.

1. Модел параметрлари баҳолари векторига оид ва маълумотлар векторига дастлабки қийматлар берилади:

$$\hat{\theta}(0) = 0; P(0) = \alpha I,$$

бунда α -анча катта рақам, I -тегишли ўлчамдаги бирлик матрица.

2. Объектнинг кириш ва чиқиш сигнали ўлчанади ва маълумотларнинг янги вектори $\psi(k+1)$ шаклланади.

3. (2.37) формула бўйича коррекция вектори $y(k)$ учун ҳисоблаб топилади.

4. (2.36) формула бўйича параметрларнинг янги баҳолари $\theta(k+1)$ топилади.

5. (2.37) формула бўйича янги вектор $P(k+1)$ ҳисоблаб топилади.

Саноат объектларида одатда, “шовқин”лар вақт бўйича корреляцияланади. Бундай “шовқин”да оддий ЭККУдан фойдаланиш, янги (2.32) ифодани минимумга келтирилиши параметрлар баҳосини суриб юборади, дисперсиясини катталаштиради. Натижада баҳолар ёмонлашиб, ҳолат ўзгарувчилари $x(k)$ хусусиятларини баҳолаш, ҳам ёмонлашади бошқариш сифати пасаяди.

Сурилиб кетмаган баҳоларни олиш учун умумлашган ЭККУ (яъни УЭККУ)да фойдаланамиз.

ЭККУдан фойдаланганда объект моделининг параметрлари ва чиқишдаги “шовқин” баҳоланади. Максимал ўхшашлик модели (МЎ-модел)-(2.21) идентификацияланади; унинг ўзгарувчилари орасидаги боғланиш қуйидаги теенглама билан берилади

$$A(z)y(z) - B(z)z^{-d}u(z) = D(z)e(z). \quad (2.39)$$

Маълумотларнинг кенгайтирилган вектори

$$\hat{\psi}^T(k) = [y(k-1), \dots, y(k-n), u(k-d-1), \dots, u(k-d-n), \hat{v}(k-1), \dots, \hat{v}(k-n)]. \quad (2.40)$$

ва параметрлари

$$\hat{\theta}^T = [\hat{a}_1 \dots \hat{a}_n, \hat{b}_1 \dots \hat{b}_n, \hat{d}_1 \dots \hat{d}_n]. \quad (2.41)$$

ни киритиб объектнинг чиқиш сигналини (2.39) ва (2.40) ёрдамида ёзиш мумкин

$$y(k) = \hat{\psi}^T(k) \hat{\theta}(k-1) + e(k). \quad (2.42)$$

Ҳолатлар сигнали $e(k)$ номаълум бўлгани учун унинг баҳоси $\hat{v}(k)$ дан фойдаланилади; у қуйидаги тенгламадан топилади:

$$\hat{v}(k) = y(k) - \hat{\psi}^T(k) \hat{\theta}(k-1). \quad (2.43)$$

МЎ-модел параметрларининг баҳоси ЭККУдан каби (2.36)-(2.38) формулалари бўйича ҳисобланади.

2.4. Ёрдамчи ўзгарувчилар усули асосида идентификациялаш алгоритмлари

Ёрдамчи ўзгарувчилар усули (ЁЎУ)дан “шовқин” сигнали $e(k)$ билан маълумотлар вектори $\psi(k+1)$ элементлари орасида корреляция боғланиш мавжуд бўлганда ва объект ва “шовқин” моделлари тўлиқ модел (2.20) кўринишида ифодаланганда фойдаланилади. ЁЎУ бўйича идентификациялаш алгоритми ЭККУ алгоритмига ўхшаш алгоритмни ишкатиш учун ёрдамчи ўзгарувчилар вектори киритилади [3,15]

$$A^T(k) = [-h(k-1), \dots, -h(k-n), u(k-d-1), \dots, u(k-d-n)]. \quad (2.44)$$

бундай ўзгарувчилар сифатида қўшимча моделининг $\hat{\theta}_b(k)$ параметрли чиқиш сигналидан фойдаланилади

$$h(k) = A^T(k) \hat{\theta}_b(k). \quad (2.45)$$

Ёрдамчи ўзгарувчилар билан хатолар ўртасидаги корреляцияли боғланиш даражасини камайтириш учун [3,16] да қўшимча моделнинг параметрлари 1-тартибли кечикадиган, паст частотали дискрет филтрнинг

чиқиш сигналлари сифатида аниқланади, филтрнинг кириш жойига объект параметрларининг баҳоси узатилади

$$\hat{\theta}_u(k) = (1 - \beta)\hat{\theta}_b(k-1) + \beta\hat{\theta}(k-n), \quad 0,01 \leq \beta \leq 0,1. \quad (2.46)$$

Корреляциялаш вектори қуйидагича ҳисобланади:

$$\gamma(k) = \frac{P(k)A(k+1)}{\psi^T(k+1)P(k)A(k+1)+1}. \quad (2.47)$$

$P(k+1)$ векторнинг янги қиймати эса

$$P(k+1) = [I - \gamma(k)A^T(k+1)]P(k) \quad (2.48)$$

Параметрлар векторларнинг баҳоси ЭККУдаги каби, (2.36) формула билан ҳисобланади.

Ҳисобларнинг дастлабки босқичида кўрилаётган усул параметрлар вектори $\hat{\theta}(0)$, маълумотлар вектори $P(0)$ β коэффициентига тегишли дастлабки қийматлар тенглашига сезгир. Шунинг ҳисобга олиб, алгоритмнинг барқарорлигини ошириш учун аввал ЭККУни қўллаш мақсадга мувофиқ.

ЁЎУ фақат объектни идентификациялаш параметрларни ҳисоблаб топиш имконини беради. Бу ҳолда агар “шовқин” филтрни шакллантирувчи модел параметрларини баҳолани топиш керак бўлса, ЭККУдан фойдаланиш мумкин. “Шовқин” модели сирпанувчи ўрта қийматли стационар авторегрессияли жараён билан намоён бўлади

$$y(k) + c_1 y(k-1) + \dots + c_p y(k-p) = v(k) + d_1 v(k-1) + \dots + d_p v(k-p). \quad (2.49)$$

Маълумотлар векторини

$$\varphi^T(k) = [-y(k-1), \dots, -y(k-p), v(k-1), \dots, v(k-p)]. \quad (2.50)$$

ва параметрлар векторини (2.50)га қўйиб ЭККУ дагига ўлчаш вектор матрицали тенгламани ёзиш мумкин

$$\rho^T = [c_1, \dots, c_p, d_1, \dots, d_p]. \quad (2.51)$$

АРСС – модел (2.50) га ЭККУ алгаритмини қўллаш учун номаълум ҳалаллар, уларнинг баҳолари билан алмаштирилади. Буни (2.51) дан ҳосил қиламиз

$$v(k) = y(k) - \varphi^T(k)\hat{\rho}(k-1). \quad (2.52)$$

бу ерда

$$\varphi^T(k) = [-y(k-1), \dots, -y(k-p), \hat{v}(k-1), \dots, \hat{v}(k-p)]. \quad (2.53)$$

Шундан кейин маълумотлар векторининг янги баҳолари ҳисоблаб топилади

$$\varphi^T(k+1) = [-y(k), \dots, -y(k-p+1), \hat{v}(k), \dots, \hat{v}(k-p+1)]. \quad (2.54)$$

Дастлабки қийматлар сифатида

$$\hat{v}(0) = y(0; \hat{\theta})(0) = 0; P(0) = \alpha I.$$

олинади.

2.5. Максимал ўхшатишлик усули асосида идентификациялаш алгоритмлари

